

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАҚЕРОВ ГУРЕЗХОН МУРОДОВИЧ

**ТОЖИКИСТОН КЎМИРЛАРИ АСОСИДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ
ЎСИШИНИ РОСТЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ВА КОМПЛЕКС
ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Фақеров Гурезхон Муродович

Тоҷикистон кўмирлари асосида ўсимликларнинг ўсишини ростловчи
воситалар ва комплекс органоминарал ўғитлар олиш технологиясини
ишлаб чиқиш 3

Факеров Гурезхон Муродович

Разработка технологии получения стимуляторов роста растений и
комплексного органо-минерального удобрения на основе углей
Таджикистана 21

Faqerov Gurezkhon Murodovich

Development of technology for obtaining plant growth stimulants and
complex organo-mineral fertilizer based on coals of Tajikistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАҚЕРОВ ГУРЕЗХОН МУРОДОВИЧ

**ТОЖИКИСТОН КЎМИРЛАРИ АСОСИДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ
ЎСИШИНИ РОСТЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ВА КОМПЛЕКС
ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Т3822 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Шаринова Хабиба Тешаевна

техника фанлари номзоди, доцент

Мирзоев Баходур

техника фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Кучаров Бахром Хайриевич

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Нурмуродов Тулқин Исамуродович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/05.05.2023.K/T.35.02 рақамли Илмий кенгашнинг 15 февраль 2024 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionx@academy.uz.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2024 йил 1 февраль кuni тарқатилди.

(2024 йил 1 февралдаги № 10 рақамли реестр баённомаси).



Усанбаев Н.Х.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Шукуров Ж.С.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., катта илмий ходим

Наматов Ш.С.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлаш ва етишмовчилигини бартараф этиш бўйича илмий-техникавий тадқиқотлар, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратилган. Юқори ҳосил олиш эса экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки, минерал ўғитлардан фарқлироқ, тупроқда соғлом муҳитни яратадиган ва уни унумдорлигини оширадиган органик ўғитлар ва улар асосидаги ўсимликларни ўсишини ростловчи (ЎЎР) воситаларни олиш алоҳида ўрин тутади. Бу борада, ёқилғилик хоссаси паст бўлган, бироқ емирилган (табиатда оксидланган) ҳамда таркибида ўсимликлар ва тупроқ тузилиш учун ниҳоятда зарур бўлган гумустутувчи кўмирлар ва фосфоритлар асосида органик, органоминерал ўғитлар ҳамда ўсимликни ўстирувчи воситаларни олишнинг барқарор технологиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда бўз тупроқларини гумус билан бойитишда қўлланиладиган органоминерал ўғитларнинг таркиб ва хоссаларини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, Тожикистон кўмирларини нитрат кислота билан оксидлашнинг мақбул шароитларига технологик кўрсаткичларнинг таъсирини ўрганиш; оксидланган кўмирдан гумин кислоталарни (ГК) натрий ва калий ишқор эритмалари билан ажратиб олиш даражасини оширишда мақбул шароитларни топиш; оксидланган кўмирдан гумин кислоталарини ажратиб олишда ҳосил бўлган шлам ёрдамида Қоратоғ (Тожикистон) ва Марказий Қизилқум (Ўзбекистон) фосфоритларини парчалаш орқали органоминерал ўғитлар (ОМЎ) олишнинг мослашувчан чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда нитрат, нитрат-сульфат кислотаси аралашмасида ёки водород пероксид иштирокида сирка кислотасида оксидланган Ангрен кўмири ва паст навли фосфоритлар асосида самарадор турли ОМЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалаий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «... ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш...»¹ ҳамда Тожикистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларни «Саноат тараққиёти йиллари»² қилиш тўғрисидаги фармонига қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Тожикистондаги Шўроб, Фан-яғноб конларидаги кўмирлари, Қоратоғ (Тожикистон) ва Марказий Қизилқум (Ўзбекистон) фосфоритларидан тупроқ унумдорлигини ва ўсимликлар ҳосилдорлигини оширувчи фосфортутувчи гумусли ўғитлар ва гуматли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

²Тожикистон Республикасида 2021-2025 йилларда илмий ва илмий-техник тадқиқотларнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Фармонлари.

препаратлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853 сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари, 2020 йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда Тожикистон Республикаси Президентининг 2021-2025 йилларда илмий ва илмий-техник тадқиқотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида фармонлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнология фанлари» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда ўсимликларнинг ўсишини ростловчи воситалар, табиий шароитда оксидланган, яъни кўмирни нураши орқали гумин кислоталари юқори бўлган органик ва ОМЎ ишлаб чиқаришга оид маълумотлар кенг ёритилган. Жаҳонда В. Клемпт, О. Гросскинский, Ф. Кортманн, Ф. Петермеисе, М. Шизунори, Н. Кинсаку, Н. Ютака, С. Мотохиса, Д. Феликс, П. Эчивард, Г. Исамбер, С.Ж. Карчер, Л.С. Канфилд, Р.С. Снивели, К. Энтзманн, Г. Золтан, С. Агнес, С. Янош, С. Хен, Г.Ж. Перри, М.А. Кононова, Т.А. Кухаренко, Д.С. Орлов, Г.В. Наумова, И.И.Лиштван каби олимлар томонидан ўсимликларни ўсишини ростловчи гуматлар ва гуминли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистоннинг Ангрен конларидаги кўмирларни минерал кислоталар билан оксидлаш бўйича бир қанча олимлар тадқиқот ишларни олиб боришган. Уларнинг ишлари асосан Ангрен кўмирини концентранган (А.Т.Тожиев, Д.Т.Забрамный, А.У.Эркаев, Х.Т.Шарипова), ўрта суюлтирилган нитрат кислотаси (Ш.С.Намазов Б.М.Беглов ва Н.Х.Усанбоев) ёки нитрат ва сульфат кислота аралашмаси (М.О.Жуманова) билан оксидлашга бағишланган. Олиб борилган тадқиқотларда оксидланган кўмирни тўғридан тўғри органик ўғитга қайта ишлаш ёки Қизилқум фосфоритлари билан ҳар хил нисбатларда аралаштириб ОМЎ, мелиорантлар олиш ҳамда катта миқдорда нитроза газларини ажралиб чиқиши қайд этилган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтгача Тожикистон Республикаси Шўроб ва Фан-яғноб конлари кўмирларини нитрат кислота ёрдамида оксидлаш, оксидланган кўмирдан гумин кислоталарни калий ёки натрий ишқори билан экстракция қилиб ЎЎР, яъни гуматлар олиш, ҳосил бўлган азот кислотали

аралашмани паст навли Қоратоғ кони фосфоритларини парчалаш ҳамда унга гуматлардан қолган оксидланган кўмир қолдиқ шламини кўшиб комплекс органоминерал ўғитлар олиш жараёнини ўз ичига олган технологик тадқиқотлар бўйича етарли даражада маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассисанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИЗ-2020002234 “Қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш учун таркибида хлорсиз калийли ўғитларни узлуксиз ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2021-2022 йй.) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шўроб кўмир кони ва Қоратоғ (Тожикистон) фосфоритлари, шунингдек, Марказий Қизилқум (Ўзбекистон) фосфоритлари асосида ЎЎР ва ОМЎ олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўнғир кўмир асосида ЎЎР воситалар ва ОМЎ ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш технологияларини таҳлил қилиш;

Тожикистон кўмирларини нитрат кислота билан оксидлаб, унинг таркибидаги ГКнинг максимал чиқишига эришиш учун мақбул технологик шароитларини аниқлаш;

нитрат кислота билан оксидланган Шўроб кони кўмирларидан натрий ва калий ишқор эритмалари орқали ГКни ажратиб олиш жараёнларини ўрганиш;

турли концентрацияли натрий ва калий гуматлари эритмаларининг реологик хоссаларини ўрганиш;

технологик катталикларга боғлиқ равишда ишқорий металлларнинг гумин тузлари эритмаларидан ГКларни чўктириш шароитларини тадқиқ этиш;

оралиқ ва тайёр маҳсулотларнинг таркиби ва тузилишини аналитик, ИҚ-спектроскопик, энергия-дисперс ва рентгенографик тадқиқот усуллари натижалари асосида қиёсий таҳлил қилиш;

нитрат кислотали аралашма (НКА), Шўроб конининг оксидланган кўмирларидан ЎЎР воситаларни ажратиб олишдаги шламдан ҳамда Марказий Қизилқум (Ўзбекистон) ёки Қоратоғ (Тожикистон) фосфоритларидан фойдаланган ҳолда мураккаб гуминли комплекс ОМЎлар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш ва ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар ва ОМЎ олиш технологиясини лаборатория модел ускунасида синовдан ўтказиш;

Шўроб кони кўмирини комплекс қайта ишлашнинг мослашувчан технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий балансларини тузиш ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва олинган ўсимликларни ўстириш ростловчи воситаларини агрокимёвий синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тожикистон кўмири, нитрат кислотаси билан оксидланган кўмир, Қоратоғ (Тожикистон) ва Марказий

Қизилқум (Ўзбекистон) фосфоритлари, ЎЎР воситалари, гумин кислотаси ва олинган комплекс ОМЎ-лар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Шўроб кони кўнғир кўмирни оксидлаш жараёни ва оксидланган кўмирдан ишқор билан натрий ва калийли гуматларни-ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар сифатида ажратиб олиш, нитрат кислотали аралашма ва шламларни комплекс органоминерал ўғитларга қайта ишлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида аналитик, график-аналитик, рентген фазали, ИҚ спектроскопик, растр (сканерловчи) электрон микроскопик - SEM, термик, эритмаларнинг рН қийматини METTLER TOLEDO рН FE 20/FG 2 ўлчагич билан ўлчаш тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шўроб кони кўнғир кўмирини нитрат кислота билан оксидлаш жараёнига ҳар хил технологик омилларнинг таъсир қилиш қонуниятлари аниқланган;

кўмирни нитрат кислота билан оксидлашда Шўроб кони кўмиридан кимевий элементларни НКА-га ўтиш динамикаси асосланган;

Тожикистоннинг оксидланган кўнғир кўмиридан ГК-ларини натрий ва калий гидроксидлари эритмалари билан экстракция қилиш кинетикаси ва ҳосил бўлган гуматларнинг физик-кимевий хоссалари аниқланган;

НКА ли аралашмадан ва Шўроб конидаги кўмирни HNO_3 билан қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган шламдан ҳамда Қоратоғ ва Марказий Қизилқум фосфоритларидан ОМЎ олиш имкониятлари илмий асосланган;

ОМЎ физик-кимевий хусусиятларининг ўзгаришини технологик параметрларга боғлиқлиги аниқланган;

ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар, юқори товар хоссаларига эга бўлган ОМЎ, ҳамда калий ва натрий нитратлар олишнинг чиқиндисиз мослашувчан технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шўроб кони кўмирини нитрат кислота билан оксидлаб унинг таркибидаги ГК миқдори 20,74% -дан 79,27% -гача ошганлиги аниқланган;

Фан-яғноб кони кўмирини нитрат кислота билан оксидлаганда ундаги ГК миқдори 1,43 дан 13,47 % гача ортиши аниқланган;

нитрат кислота билан оксидланган Тожикистон кўмирларидан ажратилган шлам, НКА ва фосфоритлар асосида ОМУ олиш технологияси ишлаб чиқилган ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

“Электрокимёзавад” АЖ ҚК қурилмасида Шўроб кони кўмирини нитрат кислота билан оксидлаш мақбул шароитлари аниқланган ва олинган гуминли моддалар ғўза чигитларида синаб кўрилган ва чигитни униб чиқишига самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижасида олинган ОМЎ, ЎЎР ва хом ашёнинг физик-кимевий хоссалари ҳамда самарадорлигини аниқлашда кимевий (комплексометрик ва гравиметрик) таҳлил усуллари ва физик-кимевий (рентгенофазовий, ИҚ-

спектроскопик, сканерловчи электрон микроскопик, термик) таҳлил усуллари натижалари, йириклаштирилган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти кўмирни нитрат кислота билан оксидлаганда ГК ҳосил бўлишига технологик омилларнинг ва ГК чўктириш кинетикасини таъсир қилиши ва олинган ОМЎ таркиби, физик-кимёвий хоссалари НКА, фосфорит, шламнинг ўзаро нисбатларига боғлиқлиги аниқланган ҳамда ОМЎ олишнинг чиқиндисиз технологиясининг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон ва Тожикистон паст навли кўмир ва фосфоритлари асосида ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар, гумин кислоталари, комплекс ОМЎ олишнинг чиқиндисиз мослашувчан технологиясини ишлаб чиқилиши иккита қардош республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадор ўғитларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўроб кўнғир кўмирини нитрат кислота билан оксидлашнинг самарали усули ва унинг асосида ЎЎР воситалар, комплекс органоминерал ўғитлар ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паст навли Шўроб кўмиридан самарадорлиги 93,33% бўлган ЎЎР воситалар олиш технологияси “Elektrokimyozavod” ҚК АЈнинг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЈнинг 2022 йил 7 сентябрдаги 197-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалигида ўсимликлардан эрта ҳосил олиш учун ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар олиш имконини беради;

паст навли Шўроб кўмиридан самарадорлиги 80% -дан юқори бўлган комплекс ОМЎ олиш технологияси “Elektrokimyozavod” ҚК АЈнинг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЈнинг 2022 йил 7 сентябрдаги 197-сон маълумотномаси). Натижада, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари қишлоқ хўжаликлари экин майдонларидаги тупроқ унумдорлигини, ҳосилдорликни оширувчи экспортга йўналтирилган каттиқ азот-фосфор-калий-гумусли ўғитлар олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда: 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати кўрсатилган, ўтказилган тадқиқотларни республикада фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ҳамда диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларни шарҳи, муаммони ўрганилганлик даражаси келтирилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадлари, вазифалари ва усуллари шакллантирилган, тадқиқотнинг амалий натижалари тақдим этилган, ҳамда тадқиқот натижаларининг илмий, амалий аҳамияти, апробацияси, нашр этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида гумин моддаларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, барча янги турдаги кўмирларни ўз ичига олган хом ашё базасини кенгайтириш бўйича адабиётлар кўриб чиқилган.

Гумин кислоталарнинг унумини ошириш мақсадида кўнғир кўмирни турли оксидловчи моддалар билан оксидлаш бўйича хорижий ва мамлакатимиз олимларининг ишлари таҳлил қилинган. Паст навли фосфоритлар қўшилган гуминли ОМУ олиш технологиясини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинган. Комплекс ОМУ ни олиш учун кўнғир кўмирни қайта ишлаш бўйича нашр этилган адабиётларни таҳлил қилиш ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Тожикистоннинг “Шўроб” ва “Фан-яғноб” кўмир конлари, Тожикистоннинг “Қоратоғ” фосфорит конининг тавсифи берилган.

Хом ашё ва тайёр маҳсулот таркибини ўрганиш учун мавжуд стандарт усуллар, шунингдек, таҳлилларнинг замонавий усуллари: дериватография, спектрал ва энергия дисперсион усуллар қўлланилди. Кўмирни нитрат кислота билан оксидлаш жараёни аралаштиргич билан жиҳозланган уч оғизли колбада амалга оширилади. Оксидланиш жараёнининг ҳарорати термостатда бир меёрда ушлаб турилади. Колбадаги кўмирга маълум миқдорда нитрат кислота қўшилади. Оксидлаш натижасида ҳосил бўлган бўтқа вакуум филтёр ёрдамида филтёрланади.

Диссертациянинг **“Кўмирни оксидлаш орқали Тожикистон конлари кўнғир кўмирини ва Қоратоғ ҳамда Марказий Қизилқум фосфоритларини комплекс қайта ишлаш жараёнини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида Тожикистон кўмир намуналарини кимёвий таркиби, кўмирни оксидлаш кинетикаси, натрий ва ёки калий гуматларини экстракция қилишга таъсир этувчи технологик параметрлар, ишқорий металлларнинг гуматларидан ГКни чўктириш, калий ва натрий нитратлар олиш тадқиқотлар натижалари келтирилган.

ЎЎР воситалар ва ОМУ ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда хом ашёлар зарур. Тожикистон Республикасидаги Шўроб ва Фан-яғноб кўмир конлари бундай турдаги хом ашёлар бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар натижалари

шуни кўрсатдики, Шўроб конининг кўмирлари Фан-яғноб конининг кўмирларига нисбатан таркибидаги гумин кислоталар кўплиги билан фарқланади. Шўроб конининг юзасидаги чиқинди кўмирлари таркибида кўмирнинг органик моддаларга нисбатан (КОМ) 10,74% миқдорида гумин кислоталари мавжуд, Фан-Яғноб кўмирида эса гумин кислотанинг миқдори 0,71-8,16% ташкил қилади (1-жадвал).

1-жадвал

Тожикистон кўмирларининг бошланғич намуналарининг кимёвий таркиби

Намуна рақами №	Намунани олиш жойи	Миқдори, оғир., %			КОМ га нисбатан ГК миқдори, %
		Намлиги	Кул	КОМ	
Шўроб кони					
1	8-нчи кон, чуқурлиги 200-250м	9,81	9,02	81,17	19,31
2	8-нчи кон, чуқурлиги 150м	8,01	15,95	76,04	24,01
3	8-нчи кон, чуқурлиги 70м	10,97	10,02	79,01	20,73
4	8-нчи кон, сирти қисми (чиқиндихонасидан)	10,05	22,01	67,94	10,74
Фан-яғноб кони					
5	«Фан-яғноб кони» ШК (шарқий қисм)	3,04	27,92	69,04	1,04
6	«Фан-яғноб кони» ШК (шарқий қисм, чиқинди)	3,10	27,12	69,78	1,30
7	«ТАЛКО ресурс» МЧЖ (ғарбий ва марказий қисм)	2,04	22,05	75,91	0,71
8	«ТАЛКО ресурс» МЧЖ (ғарбий ва марказий қисм, чиқинди)	3,07	45,91	51,02	8,16

Шўроб ва Фан-яғноб конларидаги кўмирларнинг оксидланиш кинетикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, оксидлаш жараёнининг давомийлиги КОМ миқдorigа амалда таъсир этмайди, унинг миқдори бор-йўғи 0,5-1,5% га, оксидланиш даражаси эса 10-15% га ортади. Асосий ўзгаришлар 120 дақиқа мобайнида оксидлаганда кузатилади. Лекин оксидлаш давомийлигининг ошиши азот оксидларининг газ фазага ўтиш миқдорини оширди. Шўроб кони кўмирини 120 дақиқа давомида оксидлаганда нитрат кислотанинг буғланиш даражаси 14,92-16,15% ташкил этди.

Фан-яғноб кони кўмирини бир хил технологик катталикларда оксидлаганда эса кислотанинг буғланиш даражаси 11,28-12,97% ни ташкил этган. Бу ҳолат кўмирларнинг тузилиши ва таркибига боғлиқ бўлиши мумкин. Оксидланиш жараёнининг давомийлиги ошиши билан кислотанинг буғланиш миқдори ошгани учун мақбул оксидланиш вақти - 90 дақиқа. ошмайди.

2-жадвалда келтирилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, филтрат ва ювинди сувда қолдиқ нитрат кислотанинг миқдори тахминан бир хил. Фан-яғноб конидаги кўмирни оксидлаш жараёнида ҳосил бўлган

фильтрат таркибида нитрат кислотанинг миқдори энг кўп - 40,19% бўлиб, бу эса кўмирнинг оксидланиш даражасини пастлигини кўрсатди.

2-жадвал

Шўроб ва Фан-яғноб кони кўмир намуналарини мақбул шароитларда оксидланиш жараёнларини кинетикаси

Тажриба рақами, №	1-жадвал бўйича намуна рақами	Оксидлаш вақти, дак.	Бугланиш даражаси, %	Фильтрат ва ювинди сув таркибидаги HNO ₃ нинг миқдори, %		Намлиги, %	Куллиги, %	КОМ, %	КОМ га нисбатан ГК миқдори, %
				Фильтрат	Ювинди сув				
1	1	30	7,84	25,08	26,74	6,92	3,21	89,87	62,44
2		60	11,02	24,76	26,46	7,01	2,97	90,02	66,63
3		90	14,47	23,94	27,09	7,23	2,05	90,72	69,75
4		120	16,15	22,37	25,52	7,29	1,68	91,03	74,12
5	4	30	3,06	34,02	22,01	6,41	13,3	80,29	55,54
6		60	3,75	33,39	30,56	6,5	12,75	80,75	57,04
7		90	4,72	28,35	25,83	6,92	12,01	81,07	59,23
8		120	14,92	27,55	22,37	7,08	11,56	81,36	61,01
9	6	30	2,12	35,17	23,98	3,45	20,53	76,02	12,12
10		60	2,45	34,65	27,91	3,57	19,52	76,91	13,79
11		90	2,67	31,87	13,36	3,75	18,91	77,34	14,89
12		120	11,28	30,19	12,35	3,88	18,15	77,97	17,28
13	8	30	3,53	40,19	22,94	3,84	37,12	59,04	49,41
14		60	3,84	39,69	30,24	3,97	36,07	59,96	50,79
15		90	8,53	37,49	16,07	4,25	35,32	60,43	53,69
16		120	12,97	36,64	20,79	4,67	34,02	61,31	55,31

Мақбул шароитларда оксидлаш давомийлиги ошиши билан гуминли моддаларнинг унумини ортиши аниқланди. Шўроб конининг кўмирларини 120 дақиқа давомида оксидлаганда гумин моддаларнинг унуми энг яхши қийматларга эга бўлди. Бу кўрсаткич 1-намунада 74,12% ташкил етди (2-жадвал, 4-рақамли тажриба), 4 намунада эса (2-жадвал, 8-рақамли тажриба) 61,01% ташкил этди. Бу маълумот Шўроб конининг чиқинди кўмирларидан органоминерал ўғитлар олиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Ўғит ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кўмирнинг ноорганик қисмини таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шўроб ва Фан-яғноб конларининг бошланғич ва оксидланган кўмир намуналаридаги кулнинг элементар таркибини масс спектрометрик (ICP-MS) таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тадқиқ этилаётган кўмирларнинг минерал қисмининг асосий компонентлари: Ca, Mg, Al, Fe, Na ва K бўлиб ҳисобланади. Уларнинг миқдори Шўроб конининг кўмирларида 20,01; 5,40; 3,70; 2,9; 1,6 ва 0,40% мос равишда ташкил этади. Фан-Яғноб конининг кўмирлари таркибида бу элементлар мос равишда 0,23; 0,35; 1,70; 1,40; 0,25 ва 0,0042% мавжуд. Cu, Zn ва Mo микроэлементлари миқдорлари барча намуналарда тахминан бир хил. Шуни таъкидлаш керакки, оксидланган

кўмирда баъзи элементларнинг миқдори ортиши кузатилди. Масалан, Шўроб конининг кўмирларида Al миқдори 3,70% дан 9,20% гача, P - 0,078% дан 0,085% гача, K - 0,40% дан 0,55% гача ошди, Cu ва Zn миқдорлари эса 0,012% дан 0,028% гача ва 0,0043% дан 0,0088% гача ўзгардилар. Фан Ягноб кони оксидланган кўмирларида B, Na, Al ва P элементлари миқдорлари ошган бўлса, Mn, Fe, Co, Cu, Zn элементларнинг камайиши кузатилди.

3-жадвал



Кўмир намуналаридаги кулнинг элементар таркибини оксидлангандан кейинги узгариши

№	Элементлар миқдори, (оғир.) %	2-жадвал рақамларига мос равишдаги намуна рақамлари					
		№1, 2-тажриба			№8, 14-тажриба		
		Дастлаб.	Оксид.	Δ	Дастлаб.	Оксид.	Δ
1	B *	0,0027	0,002	-83,54	0,0016	0,0099	+397,7
2	Na *	1,60	1,40	-80,56	0,25	0,53	+70,51
3	Mg *	5,40	3,30	-86,42	0,35	0,34	-21,87
4	Al*	3,70	9,20	+80,71	1,70	2,90	+62,1
5	P	0,078	0,085	+75,79	0,097	0,12	+0,499
6	K	0,40	0,55	+69,45	3,30	3,70	+9,821
7	Ca	20,01	14,0	-84,45	0,23	0,22	-23,07
8	Mn	0,088	0,058	-85,36	0,01	0,0054	-56,57
9	Fe	2,90	2,40	-81,61	1,40	1,20	-31,06
10	Co	0,0013	0,0018	+69,23	0,0042	0,0011	-78,94
11	Cu	0,012	0,028	+48,15	0,038	0,016	-66,13
12	Zn	0,0043	0,0088	+54,53	0,041	0,012	-76,46
13	Mo	0,00047	0,00063	+70,22	0,00065	0,00065	-19,57

Натижалар шуни кўрсатдики, кўмирнинг ноорганик қисмидаги баъзи элементлар кислотادا эримайдиган минераллар шаклидадир.

1-расмда оксидланган кўмир кулининг энергодисперс спектри келтирилган. Расмда оксидланган кўмирнинг кули таркибида O, Ca, S, Si, Al, Mg, C, Fe, Na элементларнинг мавжудлиги кўрсатилган.

Электронное изображение 84



1-расм. Кулнинг оксидлангандан кейинги энергодисперс спектри (2-жадв. 2, тажр. №2).

Гумин кислоталарни ажратиб олиш жараёнига технологик параметрларини таъсирини ўрганиш мақсадида физик-кимёвий таркиби ўрганилган Шўроб кони кўмирининг намунаси қўлланилди.


Ушбу ишнинг вазифаларидан бири бу NaOH (KOH) концентрацияси ва ОК:ишқор эритмаси (ИЭ) нисбатининг гуминли моддалар унумига таъсирини ўрганиш. Тажрибаларда 1%, 5%, 10%, 20% концентрацияли ишқор эритмаси қўлланилди, ОК:ИЭ нисбати 1:5 дан 1:10; 1:15; 1:20 –гача ўзгартирилди.

Гумин кислоталар нордон мухитда чўкмага тушади. Гумин кислоталарни чўктиришда 40% -ли нитрат кислота қўшиш орқали мухитнинг рН қиймати бошқарилиб турилди.

Тажрибалар Шўроб кони кўмирини (намуна 1, жадвал 2) 50% концентрацияли нитрат кислота билан 60 минут давомида 45⁰С хароратда оксидланган кўмир намунаси билан ўтказилди. Ушбу намунада ГК миқдори 66,63% , намлик 7,01% ва еримайдиган қолдиқ 2,97% мавжуд.

Маълумки, эритманинг ишқорийлиги гуминли моддаларнинг чиқимига таъсир қилади. Гумин кислоталарни чўктиришда 40% -ли нитрат кислота қўшиш орқали мухитнинг рН қиймати бошқарилиб турилди.

2-расмда кўрсатилганидек ишқор эритмасининг концентрацияси ва 40% - ли нитрат кислотанинг сарфланиши ошиши билан (ОК:ИЭ NaOH=1:15) системанинг рН қиймати a_1 a_2 a_3 a_4 чизиғи бўйича кескин пасаяди. 1,41 – 1,88 рН қийматига мос келадиган a_1 a_2 a_3 a_4 чизиғи – ишқорли экстрактдан ГК чўктириш учун етарли бўлган 40% ли нитрат кислотанинг максимал сарфланиш чегараси.



Расм 2. ГК-ни чўктиришда натрий гидроксиди концентрациясининг ва 40%-ли нитрат кислота сарфланишининг суспензиянинг рН ўзгаришига таъсири, мл 10мл экстрактга (ОК:ИЭ NaOH=1:15)

4-жадвалда келтирилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ОК:ИЭ нисбатни ошиши билан ГКнинг унуми ошади. Масалан, гуматларни ажратиш учун 1% ли ишқор эритмаси қўлланилганда ОК:ИЭ нисбати 1:5 дан 1:20 гача ошиши билан ГК-нинг чиқими 6,89% дан 43,75% гача ошди. ИЭ-нинг концентрацияси 1% дан 20% -гача ошганда ГК-нинг чиқими доимий равишда ошиб бориши аниқланди. Унинг таъсири 1:10 дан катта нисбатда аниқ намоён бўлди. Гуматларни ажратиш учун 20% ли ишқор қўлланилганда ОК:ИЭ=1:20 да ушбу кўрсаткич 90,58% -ни ташкил этди. Лекин, ОК:ИЭ нисбатини камайиши билан, айниқса 1:5-да, суспензия қуюқлашди ва натрий

гуматни филтрланиш жараёни қийинлашди. Шунинг учун, гумин кислоталарнинг чиқиш унуми нуқтаи назаридан ишқор концентрацияси 10%-дан катта бўлиши, ОК:ИЭ нисбати 1:15-га тенг бўлиши мақбулдир.


4-жадвал

ГК нинг чиқимига NaOH эритмасининг концентрацияси ва миқдорининг таъсири (ОК 2-жадвалдаги 2-тажрибадан олинган)

Тажр. рақами	NaOH концентрацияси, %	ОК:ИЭ нисбати	pH	С: Қ	ГК унуми, %
1	1	1:5	1,56	168:1	6,89
2		1:10	1,51	256:1	16,28
3		1:15	1,49	777:1	29,94
4		1:20	1,61	938:1	43,75
5	5	1:5	1,52	25:1	13,62
6		1:10	1,51	451:1	24,61
7		1:15	1,63	180:1	40,49
8		1:20	1,54	1319:1	56,72
9	10	1:5	1,67	34:1	24,61
10		1:10	1,47	137:1	34,12
11		1:15	1,75	452:1	53,04
12		1:20	1,56	960:1	76,07
13	20	1:5	1,61	43:1	36,49
14		1:10	1,69	64:1	64,02
15		1:15	1,66	252:1	81,11
16		1:20	1,66	584:1	90,58

Юқорида баён этилганларга асосланиб, мақбул шароитларда балансли тажрибалар ўтказилди. Кўмир:HNO₃=1:2; ҳарорат 45°C; жараённинг давомийлиги 60 дақиқа шароитда оксидланган кўмрдан 10%-ли NaOH ва КОН эритмаси билан асосий экстракт ва биринчи, иккинчи ювинди сувлар таркибида

гумин



3-расм. ГК ни чўктириш вақтига pH муҳитнинг таъсири

кислоталарнинг миқдори аниқланди. 5-жадвалда олинган экспериментал маълумотлар келтирилган.

5-жадвалдан кўришиб турибдики, 10%-ли NaOH эритмасидан фойдаланилганда асосий экстракт ва биринчи, иккинчи ювинди сувлар таркибида ГКнинг миқдори 59,85; 13,00 ва 11,58%-ни ташкил этди. 10%-ли КОН эритмасидан фойдаланилганда эса экстрактдаги ГК миқдори мос


равишда асосий экстракт ва биринчи, иккинчи ювинди сувларда 39,30; 17,18; 14,27% га тенг.

5-жадвал

Кўмир:ННО₃=1:2; ҳарорат 45°С; жараённинг давомийлиги 60 дақиқа бўлганда оксидланган кўмирдан гуматларни ажратиб олиш жараёнининг балансли тажрибаси

№	Ажратманинг номи	ГК унуми, %	Шламнинг зичлиги, г/см ³	Шламнинг намлиги, %	Шламдаги ГК нинг миқдори, %	Экстрактдаги ГК нинг миқдори, %	ОК:ИЭ га нисбатан шламнинг нисбаги
10% - ли NaOH эритмаси							
1	Асосий экстракт	59,85	-	-	4,65	3,75	1:5,71
2	Биринчи ювувчи сув	13,00	-	-	3,75	2,18	1:4,78
3	Иккинчи ювинди сув	11,58	1,061	80	3,44	2,01	1:2,91
10% - ли КОН эритмаси							
4	Асосий экстракт	39,30	-	-	5,40	2,95	1:7,41
5	Биринчи ювинди сув	17,18	-	-	4,91	2,48	1:5,84
6	Иккинчи ювинди сув	14,27	1,079	81,00	4,56	2,06	1:3,08

Суюқ фазадаги ГК чиқиш унумини йиғиндиси 10%-ли NaOH эритмаси қўлланилганда 84,43% ни ташкил этди ва КОН эритмаси қўлланилганда 70,75% -ни ташкил этади. Таркибида 3,44% ГК тутган ва намлиги 80% га тенг бўлган шлам ОМЎ олиш босқичига юборилади. Олинган эритмалар ЎЎР воситалар сифатида ишлатилади ёки ГК олиш босқичига юборилади.



4-расм. ОК:ИЭ=15-да 10%-ли ишқор эритмаси билан гуматларни экстракция қилишда ҳосил бўлган шламнинг рентгенограммаси

4-расмдан кўришиб турибдики, шламнинг асосий минерал қисми корунд (Al₂O₃), арагонит (CaCO₃) ва пиритдан (FeS₂) иборат.

Дастлабки ва оксидланган кўмир ҳамда уларнинг гумин кислоталарининг функционал гуруҳларини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, оксидланган кўмирда COOH⁻ + OH⁻ йиғиндининг миқдори 10,77 мг-экв/г ни ташкил этди. Бу қиймат дастлабки кўмирдан 5,26 бирликка кўпдир. Оксидланган кўмирнинг гумин кислоталари оксидланмаган

кўмирнинг гумин кислоталарига нисбатан кислотали гуруҳлар йиғиндисининг кўплиги билан ҳам ажралиб турибди (6-жадвал).

6-жадвал

Кўмирнинг оксидлаш жараёнининг моддаларнинг функционал гуруҳларига таъсири

№	Моддалар	Намлик, %	Кул,%	КОМ,%	КОМ га нисбатан ГК,%	Функционал гуруҳлар, мг- экв/г		
						COOH ⁻ + OH ⁻	COOH ⁻	OH ⁻
1	Дастлабки кўмир	9,81	9,02	81,17	19,31	5,51	1,94	3,57
2	Оксидланган кўмир	7,01	2,97	90,02	66,63	10,77	4,86	5,91
3	Дастлабки кўмирнинг гумин кислоталари (NaOH)	48,31	-	100	100	9,58	4,25	5,33
4	Оксидланган кўмирнинг гумин кислоталари (NaOH)	52,04	-	100	100	13,60	7,89	5,71
5	Оксидланган кўмирнинг гумин кислоталари (KOH)	53,7	-	100	100	12,41	6,73	5,68
6	Дастлабки кўмирнинг қолдиғи (шлам)	58,21	11,88	9,91	2,03	3,95	0,82	3,13

Кўмир қолдиғида COO⁻ ва OH⁻ фаол функционал гуруҳлари ҳам борлиги аниқланди, бу эса кўмир қолдиғидан гуминли ўғитларни ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Диссертациянинг “Шўроб кони қўнғир кўмирларини комплекс қайта ишлаб ўсимликларни ўсишини ростиловчи воситалар ва ОМЎ олиш технологиясини яратиш” номли тўртинчи бобида Тожикистон (Қоратоғ) ва Ўзбекистон (Марказий Қизилқум) фосфоритлари, оксидлаш жараёни чиқиндиси – НКА, ва гуматларни ишқор билан ажратиб олишда ҳосил бўлган шлам асосида “Электрокимёзавад” АЖ ҚК нинг тажриба-ишлаб чиқариш шароитида ЎЎР воситалар ва Тожикистон кўмирлари асосида комплекс ОМЎларни олишнинг технологик параметрлари, ишлаб чиқариш технологик режим меъёрлари ҳамда Шўроб кони қўнғир кўмирини комплекс қайта ишлашнинг техник-иқтисодий асослаш тўғрисидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Суперфосфат бўтқасини олиш учун куйидаги кимёвий таркибга эга бўлган Марказий Қизилқум фосфорит кеки, оғир. %: Сао – 51,2; P₂O₅ – 23; СО₂ – 14,3; СаО/P₂O₅ = 2,22; S/F = 1,86 ва 30%-ли сульфат кислота ишлатилган. Сульфат кислота меъёри фосфат хом ашёсидаги СаО нинг умумий миқдорига нисбатан 72% миқдорда ишлатилган. Парчаланиш жараёни 60-70°C да 30-40 дақиқа мобайнида амалга оширилди. 1,0%-ли эритманинг рН қиймати 2,14 га тенг. Карбонатсизланиш жараёни деярли 100% га тенг. P₂O₅ нинг сувли ва ўзлашувчан шаклларнинг таркиблари мос равишда 64,64 ва 71,18% ни ташкил этади.

Олинган бўтқага намлиги 50% бўлган шлам 10:1 нисбатда кўшилди. Суперфосфатли бўтқа ва шлам 10 дақиқа давомида аралаштирилди ва куритилгандан кейин синфланди.

Супергумафос таркибидаги озуқа моддаларининг миқдори 14,02% ни ташкил этади. Олинган ўғит гигроскопик эмас.

Спектрлар Япония, Шимадзу IRAffinity-1S нинг ИҚ-Фурье спектрофотометрида олинди. Спектрларни олиш 4000 см^{-1} дан 250 см^{-1} гача бўлган тўлқин узунликлари оралиқларида ўтказилди.

Маҳсулотларни ИҚ-спектрларида $\text{O}=\text{C}-\text{OH}$ гуруҳидаги карбонил гуруҳларининг валент тебранишларини чизиқларини $1640-1628\text{ см}^{-1}$ узунликда пайдо бўлиши билан тавсифланади.

НКА ва ажратилган шламдан олинган ОМЎ маҳсулотларини ИҚ-спектроскопик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кўмир молекуласининг оксидланган ҳолда парчаланишида боғлар узилган жойларда фаол функционал гуруҳларини пайдо бўлишига олиб келади.

$\text{P}-\text{O}$, $\text{P}=\text{O}$, $\text{P}=\text{S}$, $\text{P}-\text{O}-\text{P}$, $\text{O}-\text{P}-\text{O}$ боғлар кўринишидаги фосфор бирикмалари 450 дан 1000 см^{-1} гача бўлган тўлқин узунликлари оралиғида кузатилади. 1000 см^{-1} спектрида азотнинг NO_3^- кўринишидаги функционал бирикмалари мавжудлиги аниқланди. Калий бирикмаларнинг KNO_3 ва KOH кўринишидаги боғлари ИҚ-спектрнинг 1000 , 1600 см^{-1} оралиғидаги пиклар билан ифодаланади. Супергумафос намуналарида функционал гуруҳларнинг тарқалиши бўйича тўлқин узунликларининг ўзгариши янада қизиқарлироқ кўринишида ва кенг чегарада бўлиб, бунда фосфоритларнинг ИҚ-спектрлари 973 дан 1641 см^{-1} гача бўлган тўлқин узунликларини қамраб олган франколит спектрлари аниқланди.

Олинган маълумотларга асосланиб Шўроб кони кўнғир кўмирларини комплекс қайта ишлашнинг принципиал технологик кетма-кетлиги таклиф қилинди ва у 5-расмда келтирилган.



5-расм. Тоҷикистон кўмирларидан ўсимликлар ўсишини ростловчи воситалар ва комплекс органоминерал ўғитлар олишнинг принципиал блок схемаси

Ўсимликлар ўсишини ростловчи воситалар ва органоминерал ўғитлар олиш технологияси асосан қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Шўроб кони кўмирини нитрат кислотаси билан оксидлаш;
2. Оксидланган кўмрдан калий гуматларини ажратиб олиш;
3. Қизилқум конининг фосфорит концентрати кеки ёки Тожикистоннинг Қоратоғ конининг фосфоритини Шўроб кони кўмирини оксидлаш жараёнида ҳосил бўлган нитрат кислотали аралашмалар билан ишлов бериш;
4. Оксидланган кўмирни 10% калий гидроксид эритмаси билан ажратиб олиш натижасида ҳосил бўлган шлам билан кислотали маҳсулотни нейтраллаш;
5. Қуриштиш, донадорлаш, майдалаш ва элаклаш;
6. Ажралиб чиққан газларни калий гумат эритмалари билан абсорбция қилиш.

Ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар ва органоминерал ўғитлар олиш учун қуйидаги хом ашедан фойдаланилди: Шўроб кўмири, оғир.%: органик моддалар – 81,17; кул миқдори - 9,02; гумин кислоталар (органик массага нисбатан) – 19,31; намлик – 9,81. Қизилқум фосфорит концентрати кеки таркиби қуйидагича, оғир.% : P_2O_5 – 23,05; CaO – 50,26; Al_2O_3 – 0,47; MgO – 0,40; F – 2,3; CO_2 – 16,1 ва Тожикистон фосфорити таркиби, оғир.%: P_2O_5 – 8,15; CaO – 14,19; Al_2O_3 – 7,32; Fe_2O_3 – 1,08; F – 1,05; CO_2 – 2,46.

31,50%-ли нитрат кислотали аралашма ва ГК ажратиб олинган оксидланган кўмирнинг шлам таркиби, оғир.%: органик моддалар-5,54; кул миқдори – 13,46; гумин кислотаси миқдори – 2,29; намлик-50.

Лаборатория намунавий қурилмасида Тожикистон фосфоритлари (Қоратоғ) ва НКА ҳамда шлам асосида нитрогумафоска, нитрогумафос ва супергумафос олиш мақбул катталиклар “Электрокимё завод” АЖ ҚК-нинг тажриба-ишлаб чиқариш шароитида ҳам синовдан ўтказилди. Агрокимёвий синовлар учун 100 кг миқдордан ЎЎР ва ОМЎ тажриба партиялари ишлаб чиқилди юқоридаги шароитларда амалга оширилди.

Лаборатория тадқиқотлари, шунингдек, модел ва “Электрокимё завод” АЖ ҚК нинг тажриба-ишлаб чиқариш ускуналарида олинган натижалар асосида ўсимликларни ўсишини ростловчи восита ва органоминерал ўғитларни олишнинг технологик режимларининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди, уларни ишлаб чиқаришни моддий оқимлари тузилди ва технологик режимни меъёри тавсия этилди.

ХУЛОСА

Оксидлаш босқичларини физик-кимёвий ва технологик тадқиқотлар натижалари, ишқорий металл гуматларини ажратиб олиш, гумин кислоталарни чўктириш ва Марказий Қизилқум (Ўзбекистон) ва Қоратоғ (Тожикистон) фосфоритларидан комплекс органоминерал ўғитларни олиш тадқиқоти асосида ҳамда НКА ва шламларини утилизация қилиш билан

биргаликда ишлаб чиқилган технология бўйича қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Шўроб кони қўнғир кўмирини нитрат кислота билан оксидлашнинг мақбул шароитлари аниқланди: нитрат кислота концентрацияси 50%, оксидлаш ҳарорати 45°C, жараённинг давомийлиги 1 соат, кўмирдаги органик қисмининг нитрат кислота моногидратига нисбати 0,81:1. Шўроб қўнғир кўмирининг нитрат кислота билан оксидланиши натижасида фаол функционал гуруҳларнинг миқдори кўмирнинг ўзида ҳам, гумин кислоталарда ҳам кўпаяди. Оксидланган қўнғир кўмирда гумин кислоталарнинг миқдори 7 баравар кўпайиб 79,27%- га етади.

2. Оксидланган Шўроб кони кўмиридан мақбул шароитда гумин кислоталарни 10%-ли NaOH ва KOH эритмалари билан экстракция қилинганда ГК унуми мос равишда 70,75% ва 84,43% ташкил этди.

Калий ва натрий гумат экстрактларидан ГК чўктириш мақбул шароитлар: рН – 1,41 – 1,88, HNO₃ концентрацияси - 40% эканлиги аниқланди. KOH эритмаси билан олинган гумин кислоталар NaOH эритмаси билан олинган гумин кислоталарга нисбатан камроқ карбоксил гуруҳларини ўз ичига олади.

3. Тожикистон фосфорит уни ёки Марказий Қизилқум кекини ва кўмирни оксидлашда ҳосил бўлган нитрат кислотали аралашма билан таъсирлаштириб шламни қўшиш асосида комплекс ОМЎ олишнинг мақбул технологик омиллари аниқланди: азот кислота нормаси 35%, қўйқа: шлам нисбати 10,63:1 бўлганда олинган ОМЎ таркиби қуйидагича: P₂O₅_{умум.} 5,53÷13,05%; азот 18,05÷21,66%; K₂O 0,523÷0,722; гумин кислоталар 0,19÷0,66%, сувда эрийдиган СаО 30,43÷42,27% ва P₂O₅_{ўзл.} / P₂O₅_{умум.} нисбати 58,71÷73,83% га тенг.

4. Шўроб конининг қўнғир кўмирларини комплекс қайта ишлашнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди, моддий балланс ҳисобланди. Кўмирни оксидлаб ўсимликларни ўсишини ростловчи воситалар, гумин кислота, калий (натрий) нитрат ва органоминарал ўғитлар олишнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди.

5. Тавсия этилган технология бўйича Шўроб қўнғир кўмирини қайта ишлаб ўўР воситалар, ГК, натрий (калий) нитрат ва ОМЎ лардан 1 тонна маҳсулотлар олишнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларига кўра: ўўР воситалар – 2296,071 ва ОМЎ – 1752,78 минг сўмни ташкил этиб. бошқа усуллар билан олинган ўғитларга нисбатан 1,2-1,8 баробар арзонлиги кўрсатилган. ОМЎнинг арзонлиги ва юқори агрокимёвий самарадорлиги уларни катта миқдорларда ишлаб чиқаришни ташкил этишни мақсадга мувофиқлиги белгиланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ФАКЕРОВ ГУРЕЗХОН МУРОДОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ СТИМУЛЯТОРОВ
РОСТА РАСТЕНИЙ И КОМПЛЕКСНОГО ОРГАНОМИНЕРАЛЬНОГО
УДОБРЕНИЯ НА ОСНОВЕ УГЛЕЙ ТАДЖИКИСТАНА**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.3.PhD/T3822

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.iohx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Шарипова Хабиба Тешаевна

кандидат технических наук, доцент

Мирзоев Баходур

доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Кучаров Бахром Хайриевич

доктор технических наук, старший научный сотрудник

Нурмуродов Тулкин Исамуродович

доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита состоится «15» февраля 2024г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/05.05.2023.K/T.35.02 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iohx@academy.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 10, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан 1 февраля 2024 года.
(реестр протокола рассылки №10 от 1 февраля 2024 года).



Н.Х. Усапбаев

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.т.н., старший научный сотрудник

Ж.С. Шукуров

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, д.т.н., старший научный сотрудник

Ш.С. Намазов

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
учёной степени, д.т.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире научно-технические исследования по обеспечению продовольственной безопасности и устранению их нехватки направлены, в первую очередь, на повышение урожайности и получение высококачественной сельскохозяйственной продукции. Особое место занимает получение высоких урожаев не за счет расширения пахотных земель, а за счет органических удобрений и регуляторов роста растений, которые в отличие от минеральных удобрений создают здоровую среду в почве и повышают ее плодородие. В этом аспекте на сегодняшний день важным является разработка устойчивой технологии получения органических, органоминеральных удобрений и стимуляторов роста растений (СРР) на основе фосфоритов и выветренных гуминсодержащих углей, которые обладают низкими топливными свойствами, но содержат чрезвычайно необходимые вещества для растений и структуры почвы.

Сегодня в мире проводятся научно-практические исследования по улучшению состава и свойств органоминеральных удобрений, применяемых при обогащении серезема гумусом, а также их эффективному использованию. В связи с этим особое внимание уделяется изучению влияния оптимальных технологических параметров на процесс окисления Таджикского угля азотной кислотой; поиск оптимальных условий для увеличения степени извлечения гуминовых кислот (ГК) щелочными растворами натрия и калия; разработке гибкой безотходной технологии получения органоминеральных удобрений (ОМУ) путем разложения фосфоритов Каратага (Таджикистан) и Центральных Кызылкумов (Узбекистан) с использованием шламов, образующихся при экстракции гуминовых кислот из окисленных углей.

В последние годы в нашей Республике проводятся масштабные мероприятия по разработке эффективных технологий получения различных ОМУ на основе Ангреноского угля, окисленного в уксусной кислоте в присутствии перекиси водорода или азотной, азотно-серной кислотой и достигаются определенные научные и практические результаты. В третьем направлении новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы согласно Указа¹ Президента Республики Узбекистан "...продолжение промышленной политики, направленной на увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте, увеличение объемов производства промышленной продукции в 1,4 раза...", а также Указа² Президента Республики Таджикистан о провозглашении 2022-2026 годов "Годами промышленного развития", которые направлены на решение важных задач. В связи с этим важное значение имеют исследования в области развития технологии получения фосфорсодержащих гумусовых

¹Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

²Постановление Правительства Республики Таджикистан от 26 сентября 2020 года, №503 "О приоритетных направлениях научных и научно-технических исследований в Республике Таджикистан на 2021-2025 годы"

удобрений и гуматных препаратов, повышающих плодородие почвы и урожайность растений из углей Шурабского и Фан-Ягнобского месторождений в Таджикистане, а также из фосфоритов Каратаг (Таджикистан) и Центральных Кызылкумов (Узбекистан).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-5853 от 23 октября 2019 года "Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы", в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4937 от 28 декабря 2020 года "О мерах по реализации инвестиционной программы на 2021-2023 годы" и Постановлении Президента Республики Таджикистан «О приоритетных направлениях научных и научно-технических исследований в Республике Таджикистан на 2021-2025 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

